



“Жамоат мулки”ни ким асраб-авайлайди?

2-с.

Ишлайман, деганга балиқ берманг, қармоқ беринг!

“Қўлдан берганга куш тўймайди. Йигит кишиман, шу сабабли боқиманда бўлишни истамайман”.

3-с.



УЮШМА КУНДАЛИГИ

“ЕТТИЛИК” ИШ ЎРНИ ЯРАТИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛИШИ ЛОЗИМ!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси **Қаҳрамон Қуронбоев** **Сурхондарё** вилояти маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди.

Дастлаб Жарқўрғон, Шўрчи, Денов туманлари сектор раҳбарлари ҳамда “еттилик” вакиллари билан суҳбатлашилди. Унда аҳолидан тушадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари, фаолиятда кузатиладиган камчиликлар тингланди. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида йиғинларда ишларни ташкил этиш борасида кўрсатмалар берилди.

Қаҳрамон Қуронбоев Денов туманидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маҳалласида барпо этиладиган “Ёшлар сайилгоҳи”даги ишларни кўздан кечирди. “Тасмасой” маҳалласида гулчилик, зирavorчилик ва лимон етиштириш хусусида суҳбатлашди. “Кўзичокли” маҳалласидаги “Ёшлар кичик саноат зонаси”да фаолият юритаётган тадбиркорлар шарт-шароитини ўрганди.

Кейинги манзил — Музработ туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласи бўлди. Бу ерда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ташаббуси билан 30 та кам таъминланган оилга янги уйлар қуриб берилган. Уйларнинг орқа томонида балиқчилик учун ҳовузлар қуриляпти. Уюшма

кўмагида ҳар бир оила учун маҳалладаги дала майдонидан 20 сотихдан анор боғлари ташкил этиб берилиши белгиланди.

Маҳалла раиси иш ўринларини яратишда ташаббускор бўлиши лозим! Буни тумандаги “Юртим жамоли” маҳалласида яшовчи тадбиркор Шўхрат Ғозиев фаолияти мисолида кўриш мумкин. Тадбиркор дарвозалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали 15 нафар маҳалладошини иш билан таъминлаган. Маҳалладаги Ўқтам Ҳайиталиев ҳам иссиқхонада кулупнай етиштириб, мавсумда 300 миллион сўм даромад қилмоқда. Бундан ташқари, чорва моллари етиштиради. Тадбиркор аини пайтда 30 та иш ўрни яратган.





МАҲАЛЛА РАИСИ 5 ЙИЛ МУДДАТГА САЙЛАНАДИ

МОҲИЯТ

“Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга маҳалла раисларининг ваколат муддати ҳамда маҳалла раиси сайловини ташкиллаштиришга оид бир қатор янги нормалар киритилди.

Биринчидан, фуқаролар йиғини раиси ваколатлари муддати беш йил этиб белгиланди.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла институти фаолиятининг самарадорлиги оширилди, ислохотлар натижасида “маҳалла еттилиги”га нафақат қўшимча

ваколат ва имкониятлар тақдим этиляпти, балки уларнинг масъулияти ҳам оширилмоқда. Хусусан, уларга аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш ваколати билан бирга, ушбу ёрдамларнинг мақсади ва манзилли йўналтирилишига

масъуллик ва жавобгарлик ҳам юкланди.

Натижада маҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммиси, дарду ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди.

(Давоми 2-саҳифада).



БУГУНГИ СОНДА:

Ҳунари бор хонадондан барака аримайди

“Маҳалладошимиз йилига мингдан зиёд тандир ясаб, даромад топади. Бундан ташқари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида унинг ноёб меҳнат маҳсулига талабгорлар жуда кўп. Хорижлик сайёҳлар ушбу тандирларни кўриш учун маҳаллаимизга ташриф буюришади”.

2-с.

Бир вақтда икки ҳудудга улгуриш оғир бўляпти

“Афсуски, айрим тадбиркорларнинг устимиздан шикоят қилиш ҳолатлари кузатиляпти. Агар ҳар бир маҳаллага биттадан солиқ инспектори бириктирилса, ортиқча тушунмовчиликларга ўрин қолмасди. Қолаверса, ҳудуддаги ҳар бир солиқ тўловчи билан ишлашга янада қулай имконият яратилади”.

5-с.

Инсон қадр топган жойда орзу-истаклар ҳам қанот қоқади

Ногирон шахслар фақат қийналганлар, муаммолар гирдобидидаги инсонлар эмас, уларнинг ҳам орзулари ва мақсадлари бор. Ногиронлиги бўлган шахсларга оид янги қонун уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишнинг, уларга ҳақиқий қадр-қиммат беришнинг белгисидек кўринди менга.

6-с.

Маййитнинг тилла тишлари олиб қўйиладими?

Агар вафот топган инсоннинг тишлари тилладан ясалган бўлиб, протез шаклида бўлса ва уларни олиб қўйишда маййитга озор етмайдиган бўлса, зое ва исроф бўлмаслиги учун бу тишларни олиб қўйиш лозим. Аммо маййитнинг тишлари мустақкам ўрнатилган бўлса, улар олинмайди.

7-с.

ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛ ЯРАШИШ МУДДАТИСИЗ АЖРАШАДИ... (МИ?)



4-с.

Жисмоний фаоллик бўйича маҳалла рейтинги бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Миллий Олимпия қўмитаси раиси Шавкат Мирзиёев бошчилигида 13 февраль куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили оммавий спорт мусобақаларида ёшлар қамрови 10 миллионга етди. Лекин катта ёшдаги инсонларнинг спортда иштироки кам. Шу боис энди маҳаллаларда оммавий жисмоний фаоллик тадбирлари ўтказилади, бу бўйича маҳаллалар рейтинги юритилади. Йил якуни билан энг фаол оилаларга машқ жиҳози берилади, энг яхши маҳаллаларда спорт майдончалари қурилади.

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда тўғри овқатланиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ўрганишларга кўра, аҳолининг 44 фоизи жисмоний фаол эмас, 36 фоизи тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилмайди. Шу боис “Соғлом инсон – соғлом миллат” умуммиллий ҳаракати бошланади.



“Соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик тарғиботи билан ҳар бир оила қамраб олинади.”

ЖАРАЁН



Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Максим Орешкинни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ экспертлари Альфред Гузенбауэр, Александр Квасневский ва Штефан Фюле билан учрашди.



Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомиллари бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ имзоланди.



БУНЁДКОРЛИК

Равон йўллар обод манзилларга элтади. Сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланяпти. Мисол учун, бундан бир неча йил илгари пастқам, томидан чакка ўтадиган уй-жойлар ва абгор ҳолдаги кўчалардан иборат маҳалламиз кўркам қиёфага қиряпти.

МАҲАЛЛАМИЗ ҚИЁФАСИ КЎРКАМЛАШЯПТИ

Бойси аҳоли сони 4 минг 34 нафардан иборат ҳудудимиз “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида шароити оғир ҳудуд сифатида танлаб олинди. Айни кунда муаммоларни ҳал этиш, йўлларни созлашга киришилди. Ички кўчаларнинг 2 км. қисмини асфальтлаш, 12 км. узунликда шағал ётқи-зиш жараёни бошланди. Шу билан бирга, 2 км. пиедалар йўлакчаси қуриш, ариқларни бетонлаштириш, 70 та тунги ёритгич ўрнатиш, 200 дона эски симёғчаларни темир-бетон устунларга алмаштириш, 11 км. электр тармоғини ва 7 та трансформаторни мукам-мал таъмирлаш, тоза ичимлик сув таъминотини яхшилаш ишлари тенг олиб бориляпти. 27-умумтаълим мактабининг спорт зали ва устакхонаси замонавий ҳолатга келти-риляпти.

Ўзгаришлардан аҳоли жуда мамнун. Олдинлари қишда лой, ёзда чанг кўча-лардан ўқувчилар мактабга қатнашга қийналарди. Бу ма-шаққатларни ўз кўзи билан кўриб, ҳис қилган ёшу қари

ободонлаштириш жараёни-да фаол иштирок этяпти. Ўз хонадони, кўчасини тартибга келтиряпти. Давлат раҳбарининг 2024 йил 25 июндаги “Маҳал-лаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхши-лашга доир қўшимча чо-ра-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида тажриба та-риқасида мамлакатимиздаги 208 та маҳаллада, шу жумла-дан, Қорақалпоғистон Респуб-ликасидаги 17 та маҳаллада “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилди. Ўтган вақт-да яхши самарага эришилди. Тажриба барча маҳаллаларга татбиқ этиляпти.

Кези келганда, янгилек доирасида бир таклиф бил-дирмоқчиман. Яъни, ҳудуд ободлигини таъминлашда “маҳалла еттилиги”га тўплан-ган чиқиндиларни олиб чиқи-б кетиш учун автомашиналарни мустақил ёллаш ваколатини бериш керак. Чунки бугунги кунда кўп ҳудудларда чиқин-диларни вақтида олиб кет-маслик ортидан фуқаролар ўртасида норозилик келиб чиқяпти.

Азиз ИБРОҲИМОВ,
Боғот туманидаги
“Тўпчи” маҳалласи раиси.



ТИББИЙ КЎРИҚДА
257 НАФАР БЕМОР
СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ

Янгиобод туманида-
ги “Хўжамушкент”
маҳалласи ҳудуди
“Обод хонадон”, “Обод
кўча”, “Обод маҳалла”
мезонлари асоси-
да кўркам қиёфага
қиряпти. Инфрату-
зилма яхшиланиб,
табiiй газ, ичимлик
сув, электр таъми-
нотидаги муаммолар
ҳал бўляпти. Шароити
оғир оилаларга мод-
дий-маънавий ёрдам
кўрсатилляпти.



МАҲАЛЛА
НИМА ГАЙ?

Кўни кеча аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Жа-раёнга туман ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали шифокорлари жалб этилди.

— Тадбирда 1 765 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 272 нафарига турли касаллик аниқланди, — дейди маҳалла раиси Тўлқин Мавлонбердиев. — Шундан 257 нафари амбулатор шароитда соғломлаштирилди, 10 нафарига ста-ционар ётиб даволанишга йўланма берилди. 5 нафари туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳлик амалиёти ўтказадиган бўлди. Ўйда ётиб қолган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқа-ролар малакали шифокорлар кўригидан ўтказилиб, уларга бепул дори-дармон берилди.

Тиббий кўрик давомида қандли диабет, хавфли ўсмалар, юрак-қон томир ва ўпка касалликларининг олдини олиш, про-филактикаси ҳамда даволаш усуллари, соғлом турмуш тарзи, фаол жисмоний ҳаракатнинг инсон саломатлигига ижобий таъсири тушунтирилди.

№12 | 2025 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

(Давоми. Боши 2-саҳифада).

МАҲАЛЛА РАИСИ 5 ЙИЛ МУДДАТГА САЙЛАНАДИ



“Маҳалла еттилиги”-нинг умумий раҳбари сифатида маҳалла ра-исларининг масъулияти оширилаётган бир вақтда уларнинг ваколат му-ддатларининг қисқалиги ўз билим ва тажрибасини амалиётда қўллаши, бел-гиланган режаларни тўла ва сифатли амалга оши-риши учун етарли эмас-лиги сезилаётган эди.

Конун билан маҳал-ла раисларининг ваколат муддати уч йилдан беш йилга узайтирилиши ҳу-дуд аҳолисининг ижтимо-ий-иқтисодий ҳолатидан янада кенгрок хабардор бўлиш, фуқароларга ёр-дам кўрсатишда тўғри ва талабчан ёндашиш бо-расидаги имкониятларни оширади.

Иккинчидан, бўшаб қолган ўринга янги сай-ланадиган маҳалла раиси тўлиқ беш йил муддатга сайланади.

Маҳаллалар раисла-ри сайлови охириги марта 2022 йил май ойида ўт-казилган бўлса, шу кунга қадар уч мингдан ортиқ маҳалла раисининг вако-латлари турли сабабларга кўра муддатидан аввал тугатилган. Раислар қў-нимсизлиги аҳолининг эътирозларига ҳамда ҳу-дудда аниқ режа асосида ишлар олиб борилмасли-гига олиб келаётган эди. Конунчиликка ушбу янги норманинг кирити-лиши бўшаб қолган ўрин-га янги сайланган маҳал-ла раислари тўлиқ беш йил давомида фаолият юритиб, маҳалла ҳуду-дида амалга оширмоқчи бўлган вазифаларини тў-лиқ бажариши учун им-коният яратяди.

Учинчидан, Олий Маж-лис Сенати Кенгашининг маҳалла раиси сайловла-рини ташкиллаштиришга оид ваколатлари номар-

Бугунги кунга қадар бўшаб қолган ўринларга сайланган маҳалла раислари ўз вако-латларини 3 йиллик муддат ту-гагунига қа-дар амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Маҳалла раиси сайло-вини ўтказиш муддатлари ни белгилаш, шуни-
нгдек, с а й л о в г а та й ё р г а р л и к та д б и р л а р и н и ў т к а з и ш м у д д а т л а р и н и ва тартиби-
ни белгилаш бўйича Олий Мажлис Сена-
ти Кенгаши-
нинг ваколат-
лари Қорақал-
поғистон Рес-
п у б л и к а с и Ж ў к о р ф и Кенгеси, халқ депутатлари
в и л о я т л а р

ва Тошкент шаҳар Кен-
гашларига ўтказилди.
Бундан қўзланган асосий мақсад — маҳал-
ла раиси сайловида тай-
ё р г а р л и к та д б и р л а р и н и маҳаллий Кенгашлар
амалга ошириши ва ушбу
жараёнларнинг ҳар бир
ҳудуднинг ўзига хос ху-
су сия т л а р и н и к е л и б
чи қ қ а н ҳ о л д а ў т к а з и-
ли ш и н и таъминлашдан
иборатдир. Эндиликда
Кенгашлар ўз ҳудудла-
ридаги сайловнинг қачон
ўтказилиши, уни ўтказиш
билан боғлиқ тадбирлар-
нинг қайси муддатлар-
да амалга оширилишига
доир чора-тадбирларни
ўзлари тасдиқлайди.

Тўртинчидан, маҳал-
лалар раислари сайло-
вини ташкил этиш ва ўт-
казишга кўмаклашувчи
комиссиялар ваколатлари
аниқлаштирилди.
Фуқаролар йиғинла-
ри раислари сайловини

ташкил этиш ва ўтказишга
кўмаклашувчи республика
комиссиясини тузиш ама-
лиётига барҳам берилди.
Шунингдек, вилоят дара-
жасидаги ҳамда туман дара-
жасидаги сайловларни
ташкил этиш ва ўтказиш-
га кўмаклашувчи комис-
сияларнинг ваколатлари
алоҳида-алоҳида белги-
ланиб, вазифаларининг
чегаралари аниқлашти-
рилди.

Фуқаролар йиғинла-
ри раислари сайловини
ташкил этиш ва ўтказишга
кўмаклашувчи Қорақал-
поғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент
шаҳар комиссиялари-
га фуқаролар йиғинла-
ри раислари сайловини
ташкил этиш ва ўтказиш,
сайловни ташкил этиш ва
ўтказишга кўмаклашувчи
туманлар ва шаҳарлар
комиссиялари фаолия-
тини мувофиқлаштириш,
фуқаролар йиғинлари ра-
ислари сайловида доир
ҳужжатларнинг, шунинг-
дек, бюллетенларнинг на-
муналари ва шакллари
тасдиқлаш, сайлов яқун-
лари тўғрисида ахборотни
умумлаштириш, бу ахбо-
ротни кенг жамоатчилик
эътиборига етказиш ва
бошқа ваколатлар белги-
ланди.

Бешинчидан, бугунги
кунга қадар бўшаб қо-
лган ўринларга сайланган
маҳалла раислари ўз ва-
колатларини 3 йиллик
муддат тугагунига қадар
амалга ошириши белгилаб
қўйилди, бу ўз навбатида
бўшаб қолган ўринларга
сайланган маҳалла раиси-
лари тегишли ҳудуддаги
вазифаларини тўлиқ ва-
колат муддати доирасида
амалга ошириш имконини
беради.

НУҚТАИ НАЗАР

Жамоат транс-
порти, жамоат
жойи каби
атамаларни
истеъмо-
да тез-тез
қўллаймиз.
Умумий фой-
даланувда
бўлган давлат
мулкига шун-
дай нисбат
берамиз. Асли-
да, уларнинг
барчаси сизу
бизнинг мулк-
кимиз.

жараёнда “Ижтимоий
қўллаб-қувватлаш ва
жамоатчилик назора-
ти” комиссияси ҳамда
“Маҳалла назорати
гуруҳи” тузилмалари
фаоллик кўрсатяпти.
Жамоат мулкни та-
лон-тарож қилиш ёки
шикаст етказилишига
тезкор муносабат бил-
дириляпти.

Хулоса шуки, жамо-
ат мулкига шикаст ет-
казиш, қадрламаслик
тарбиясизлик, ахлоқ-
сизликдан ўзга нарса
эмас. Шу боис биринчи
навбатда тарбияни ои-
ладан бошлаш лозим.
Ҳар бир мулк, маскан,
боғ, сайлгоҳ биз учун
бунёд этилганини,
автобус, метро каби
жамоат транспортла-
ри узоғимизни ақин-
лаштириш учун хизмат
қилишини унутмайлик!

ишларини олиб бор-
япмиз. Бироқ аҳоли-
дахлдорлик тўғриси
билан яшамаса, аҳоли
ўзгармаяпти. Имкони
бўлса, видеокузатув
камералари ўрнатиш
лозим. Дарахтлар қу-
риб қолмаслиги учун
замонавий сув тежевчи
технологиялар орқали
суғориш тизимини жо-
рий этиш керак.

Беруний тумани-
даги “Тинчлик” маҳал-
ласи раиси Одилжон
Тожибоевнинг маълум
қилишича, давлат ма-
блағи ҳисобидан ҳу-
дудда болалар май-
дончаси қуриб бе-
рилган. Афсуски, ўша

бефарқлик ҳамда та-
жовузорлик натижа-
сида майдонча ыроқ-
сиз аҳолига келган.
Жамоатчилик на-
зорати орқали бу бо-
рада яхши натижага
эришаётган маҳалла-
лар йўқ эмас. Мисол
учун, Кўқон шахридаги
“Мингтут” маҳалласи-
да жамоат мулкни ўз
мулкидек асраб-авай-
лаш анъанасига айлан-
ган.

— Маҳалла аҳоли-
си жамоат мулкига ўз
мулкидек муносабатда
бўлади, — дейди Кўқон
шахридаги “Мингтут”
маҳалласи раиси Фай-
рат Тошпўлатов. — Бу

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

Аммо негадир
жамоат мулк-
кига нисбатан
бефарқ, ҳатто тажов-
вузор муносабатда
бўламиз.

Яхшилаб разм сол-
сангиз, ҳар куни, ҳар
манзилда топталган
яшил майдонча, ши-
кастланган дарахт ва
ёриткичлар, синган
ўриндиқлар, чиқинди-
хонага айлантирилган
бекат ва кўчаларга
кўзингиз тушади. Ачи-
нарлиси, буни одатий
хол сифатида қабул
қилишга ўрганиб бор-
япмиз. Ваҳоланки, шу-
ларнинг барчаси халқ
пулига, халқ учун бун-
ёд бўлган.

...Ўтган йили “Обод
хонадон”, “Обод кўча”,
“Обод маҳалла” ме-
зонлари доирасида
Чилонзор туманидаги
“Кўтарма” маҳалласи-
нинг 17-, 18-, 19- ва
20-сонли кўп қаватли
уйлари ҳамда ора-
лиқдаги ҳудуд таъмир-
ланиб, “Яшил боғ” таш-
кил этилди. Аҳоли дам
олиши учун маҳсус

ўриндиқлар ўрнати-
лди. Болалар ўйингоҳи
барпо қилинди. Бир
сўз билан айтганда,
давлат одамлар яхши
яшаши учун шароит
яратиб берди.

— Аммо бефарқ-
лик, жамоат мулкни
қадрламаслик кўзга
ташланяпти, — дей-
ди маҳалладаги ҳоким
ёрдамчиси Мирзожон
Ҳолиқов. — Мисол учун,
боғдаги 300 туп дара-
хтнинг 90 фоизи
сувсизликдан қуриб
қолди. Ўтирғичлар
атрофи чиқинди-хона-
га айланган. “Маҳалла
еттилиги” вазиятда
шунчаки кузатувчи
бўлиб қолмаяпти. Жа-
моатчилик назорати
ўрнатиб, тарғибот



Янги қонун билан
МИКРОМОЛИЯ
БАНКЛАРИНИ
ташқил этишга
рухсат берилади.



Президент қарорига
кўра, ТАДҚИКОТЛАРНИ
Қўллаб-қувватлаш
ЖАМЎРМАСИ
ташқил этилади.



Ҳукумат
қарорига асосан,
мактаб ўқувчиларини
КАСБ-ХУНАРГА
ЎҚИТИШДА
тадбиркорлар
жалб этилади.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

КАТТА МАВСУМ ТАРАДДУДИ БОШЛАНДИМИ?

Киш фаслининг охири ва баҳорнинг бошланишига яқин давр бўлгани учун ҳозирда турли кишлоқ хўжалиги ишлари амалга оширилади. Қуйида асосий тадбирлар ҳақида тўхталамиз.



Боғдорчилик ва узумчиликда мевали дарахт-ўрик, шафтоли, олма, нок, узум)ларни кесиш, шакллантириш ҳамда эски шох-шаббасини олиб ташлаш ишлари бошланади. Бу ҳосил сифатини ошириш ва касалликлар ҳамда зараркунандалардан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Тупроқни тайёрлаш, ўғитлаш жараёнида ҳайдаш, юмшатиш, текислаш амалга оширилади. Қор ёки ёмғирдан кейин ер нам бўлган пайтда ортиқча сувни чиқариш ёки дала шароитига қараб, захни кетказиш керак.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш усулида дарахт, буталарни кимёвий ёки биологик воситалар билан қайта ишлаш, эрта баҳорда кўп тарқаладиган касалликларга қарши чора-тадбир қўйилади. Иссиқхона шароитида етиштирилаётган сабзавотлар, айниқса, помидор ва бодринг навини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳар бир ҳудуд иқлим шароитига қараб, ишларни босқичма-босқич режалаштириш, об-ҳавога мос равишда тезкор тадбир қўйиш мумкин.

Алижон ЭСОНҚУЛОВ,
Академик М.Мирзаев номидаги
Боғдорчилик, узумчилик
ва виночилик илмий-тадқиқот
институтини директори.

ТАЖРИБА

ИШЛАЙМАН, ДЕГАНГА БАЛИҚ БЕРМАНГ, ҚАРМОҚ БЕРИНГ!



Сардорбек СУЛТОНОВ,
Тўрткўл туманидаги
“Тошкент” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Хоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаганимдан бери, одамлар орасидан. Ҳар куни хонадонларга кириб, муаммоларни ўрганаман. Кимнидир имконияти бору ишлашни истамайди, бошқа биров хоҳласа-да, ногиронлиги сабабли “оёқ-қўли боғланган”.

“Ишсизман, эҳтиёжмандман”, деганларга даромад топиш йўлини ўргатаймиз, таклиф бераймиз. Давлатимиз улар учун тақдим этган имтиёзли кредит ва субсидиялар ҳақида хабардор қилаймиз. Аммо беш бармоқ баробар бўлмаганидек, таклифимизни қабул қилганлар қаторида ишлашни истамай, баҳона қидирганлар топиляпти. Бир куни ана шундай инсонлардан хафа бўлиб, навбатдаги хонадонга

кирганимда, жуда таъсирли воқеа юз берди.

Ғунча кўчасидаги 6-уйда яшовчи Мўмин Олимов 2-гурӯҳ ногирони. Унга кўмак таклиф қилганимда, қатъий рад этди. “Кўлдан берганга қўш тўймайди. Маҳалла менга қачонгача ёрдам беради? Йигит кишиман, шу сабабли боқиманда бўлишни истамайман”, — деди. Агар имтиёзли кредит олишда кўмаклашсак, тадбиркорлик билан шуғулланиш истagini билдирди.

Унга зарур маблағ учун тавсиянома бердик. Шу зайлда ишсиз, эҳтиёжманд оила вакили даромадли иш ўрнига эга бўлди. Кўенчилик соҳасида ўзини ўзи банд қилди. Бир оз муболага билан айтганда, бугун қўлидаги қармоқ билан истаганча балиқ овляпти.

Яна бир маҳалладошимиз Хуррият Исмоилова “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Тикувчиликка қизиқишини ҳисобга олиб, унга ҳам 10 млн. сўм кредит ажратилди. “Ёшлар

дафтари”да рўйхатда турувчи Севинч Ражабова 33 миллион сўм маблағ ҳисобидан чорвачилик йўналишида иш бошлади. Ўзи билан яна 2 нафар оила аъзосининг бандлигини таъминлади. Бундан ташқари, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, “DOCTOR XAYRULLA” оилавий корхонаси раҳбари Дилноза Шиховага 300 млн. сўм имтиёзли кредит учун тавсиянома бердик. Бу маблағга зарур асбоб-ускуна харид қилиб, клиника ташқил этди. Қўшимча 3 та янги иш ўрни яратди.

Ўувоҳ бўлганингиздек, тадбиркорликни ривожлантириш борасида яхши тажрибага эгамиз. Чунки ўсиш нуқтамиз — хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик. Худудда 2 895 нафар аҳоли яшайди. “Драйвери” миздан фойдаланиб, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз. Мисол учун, 2024 йилда ишсизлар сони 97 нафарни ташқил этган бўлса, бугун бу рақам тенг ярмига қисқарди. Қувонарлиси, 67 нафар ишсиз хотин-кизнинг барчаси тадбиркорлик йўналишида ўзини ўзи банд қилди.

Фоалиятимни бошлаган 2022 йилдан шу кунгача 224 нафар фуқарога жами 4 млрд. 570 млн. сўм маблағ олишда кўмаклашдим. Бундан ташқари, 2023 йилда 3 та, 2024 йилда 6 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти, 6 та масъулияти чекланган жамияти ташқил этилди.

Бир сўз билан айтганда, “драйвери” мизни ривожлантириш орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартиряпмиз.

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

Сардобада малина экиш йўлга қўйилади


СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН САРДОБА ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗЛИБОД” МАҲАЛЛАСИ “ЕТИЛИГИ” ХОДИМЛАРИ ҲАМДА БИР ГУРУҲ АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАҚСАДИДА ЖОМБОЙ ТУМАНИДА БЎЛИШДИ. МАЛИНА ЕТИШТИРУВЧИ ХОНАДОНЛАРДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ТАНИШИШДИ.



— Тадбир давомида экинларни қандай парвариш қилиш, жараёнда замонавий усуллар ва технологияларни қўллаш ҳақида батафсил маълумот олдик, — деди “Файзлибод” маҳалласи раиси Пардабой Жўраев. — Бу тажриба алмашиш натижасида янги ғоялар пайдо бўлди. Нафақат маҳаллада, балки туманда малиначиликни йўлга қўйишга келишиб олдик. Шу орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадини оширишга эришмоқчимиз.

Дарҳақиқат, малиначилик яхши фойда манбаи. Вақтида парвариш қилинса, йилига 70-80 миллион сўм даромад топиш мумкин. Қолаверса, оилавий бизнесни ривожлантириш асносида доимий иш билан таъминлаш, мўмай даромад ҳисобига турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради.

Назира МАҲҚАМОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Сирдарё
вилояти бошқармаси бош
мутахассиси.



Турсунали ПЎЛАТОВ.
Чуст тумани:

— “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида кичик корхона ташқил этганман. Қонунчиликка кўра, давлат харидларида менга имтиёз яратилганми?

Анвар ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил девони етакчи
инспектори:

— “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, тадбиркорлар тоифаларга ажратилган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Давлат
харидларида
имтиёзга
эгамманми?

Биринчи тоифадаги кичик тадбиркорлик субъектлари яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар — таъсисчилари жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган, кичик корхоналар — жами даромади йил давомида 1 миллиарддан 10 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорларга бўлинади.

Иккинчи тоифадаги ўрта тадбиркорлик субъектларининг жами даромади йил давомида 10 миллиарддан 100 миллиард сўмгача бўлади. Ва ниҳоят, йирик тадбир-

корлик субъектлари учинчи тоифага мансуб бўлиб, унга жами даромади йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори тадбиркорлар киради.

Энди саволингизга келсак, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб, жами даромади 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун давлат харидларида 20 фоизлик квота жорий этилган. Ушбу харидлар доирасида бюджет буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларда 50 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади.



2025 йил
якунигача камбағал
оилалар фарзандларини
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
билан қамраб олиш
таъминланади.



Россия Федерацияси
билан биргаликда
КИНО ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ соҳасида
ҳамкорлик қилинади.



Аҳолига берилган
ипотека кредитларини
такрор молиялаштириш
учун ЯНГИ
ИМКОНиятлар
яратилади.

МАНЗАРА

Хунари бор хонадондан барака аримайди



жуда кўп. Хорижлик сайёҳлар ушбу тандирларни кўриш учун маҳалламизга ташриф буюришади. Ўзи ёш бўлса-да, хозиргача анча-мунча шоғирдлар чиқарди. Яқинда яна 15 нафар ишсиз ёшни унга бириктирдим. Улар хунар ўрганиб, ўз йўлларини топишига ишонаман.

Шу билан бирга, ҳудудда тикувчилик, каштачилик, болалар массажи, пишириқчиликни ўз ичига олган хунармандлар маҳалласи ташкил этилган. Бу ерда кизларимизнинг бандлиги таъминланган бўлиб, ҳатто энди иш ўргана бошлаган кизларга ҳам ишига қараб маош берилади. Мисол учун, асл касби каштачилик бўлган Шахноза Шаропова ёш кизларга тикувчиликни ўргатиб келади. Аёлларнинг миллий

йўналишда тикилаётган кийимлари бутун ҳудудда харидоргир. Маҳалламизнинг кўп-лаб кизлари Шахноза опанинг қўлида мохир тикувчи бўлиб етишиб, оиласига даромад олиб қиряпти.

Маҳалламизда 100 нафардан ортиқ ёш спортнинг турли йўналишлари билан мунтазам шугулланади. Айникса, футбол ишқибозлари етарлича. Аммо хозирда футбол ўйинини ташкил этиш учун мини стадион йўқлиги муаммо бўлиб турибди. Бироқ бу масалани ҳал этиш чорасини ўйлаб қўйдик. "Ташаббусли бюджет"га футбол майдони қуриш тақлифини киритдик. Агар ушбу лойиҳада ғолиб бўлсак, ёшларимизнинг истаклари амалга ошиб, спортга кизикувчиларнинг сафи кенгаярди.



”

Хуриш
БАҲРИДДИНОВ,
Жондор туманидаги
”Ушот” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Азалдан маҳалламиз аҳолиси хунармандчилик билан шугулланиб келади. Айниқса, тандирчиликни ўзига касб қилганлар ёш фарзандларига ҳам ушбу хунар ҳадисини ўргатишадди. Унинг ортидан хонадонларда ризқ-рўз, барака аримайди.

Ёшларни, аввало, илм олишга, бирор касб эгаси бўлишига тарғиб қиламиз. Аксарияти ота-боболари хунарини давом эттиришади. Улардан бири Абдулла Ризаев ясаётган тандирларнинг овозаси чекка ҳудудларгача етиб борган. Йилга мингдан зиёд тандир ясаб, даромад топади. Бундан ташқари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида унинг ноёб меҳнат маҳсулига талабгорлар



ФИКР

ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛ ЯРАШИШ МУДДАТИСИЗ АЖРАШАДИ... (МИ?)



“Тошкент вилоятида 23 ёшли аёл 37 ёшли эри томонидан қаттиқ қалтқакланганини оқибатида вафот этди”...

“Самарқанд вилоятида 27 ёшли аёл эри қалтқакланганидан сўнг бир неча кун ўтиб, шифохонада вафот этди”...

“Тошкент вилоятида эр-как 28 ёшли хотинини ўлдирганида гумонланиб ушланди”...

Шахноза ХАЛИЛОВА.

Бу — жорий йилнинг шу давrigа қадар оилавий зўравонлик оқибатида ҳалок бўлган аёллар ҳақидаги хабарлардан бир парча. Аслида, вазият шу даражага етиб боришининг ўзи аянчли ҳолдир. Аёлларни “ожижа” дейишади. Аммо баъзи қўштинроқ ичидаги “инсон” кўринишидаги ваҳшиёна одамларнинг уларга қилаётган бундай ҳаракатларини ҳеч қандай сўз билан оқлаб бўлмайди.

Афсуски, сўнгги пайтларда жазо чоралари кучайтирилган, оилалар билан ишлаш янги босқичда олиб борилаётган бўлса-да, бундай аянчли ҳолатлар камаймаяпти, аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Буни Олий суд ахбороти ҳам тасдиқлайди. Қайд этилишича, ўтган йилнинг 10 ойи давомида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддаси (оилавий (маиший) зўравонлик) билан 15 минг 427 киши маъмурий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 9 минг 210 нафарига жарима жазоси, 6 минг 217 нафарига маъмурий қамок жазоси қўлланилган.

Жиноят кодексининг 126-1-моддаси (оилавий (маиший) зўравонлик) билан 399 киши судланган. Уларнинг 126 нафарига озодликдан маҳрум қилиш, 255 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган. 18 нафар шахс шартли ҳукм қилинган.

Президентнинг “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида оилавий зўравонлик қузатиш ҳолатида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиши, яъни суд маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг фикрини инобатга олган ҳолда, эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига имконият йўқ деб топса, ишни кўришни кейинга қолдирмай ҳамда ярашиш учун муҳлат тайинламай ажратишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунга қўра, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида Оила кодекси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Қонунда оилавий (маиший) зўравонликдан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш чоралари белгиланади. Жумладан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқишда суд оилавий (маиший) зўравонлик жиноятдан жабрланган шахснинг талабига қўра, ярашиш учун муҳлат тайинламаслиги белгиланапти. Негаки, никоҳдан ажратиш масаласи ўз вақтида ҳал қилинмаслиги айрим ҳолларда аёлларнинг ўз жонига қасд қилиши, бевақт ўлими каби аянчли оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бу норманинг амалиётга жорий этилиши мунтазам тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўлган низоли оилаларда оғир жиноятлар содир бўлишининг олдини олади.

Зўравонликсиз дунё ҳаёлдаги орзу эмас, бу биргаликда эришса бўладиган мақсаддир. Тўғри, бу йўналишда ҳали муаммолар етарлича. Аммо бу масалага барча бирдек ўзини масъул деб билса, бутун жамият зўравонликка қарши курашиш учун ягона кучга айланса, муаммо ечим топса бўлади. Бефарқ бўлмаслик, зўравонлик аниқланиши ва тўхтатилиши учун барча имкониятларни ишга солиш орқали барбод бўлган тақдирлар, йўқолган умидларга нажот бериш мумкин.

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

Масъуллар Кармана туманидаги “Шибзон” ва “Нурафшон”, Қизилтепа туманидаги “Кулолон” ва “Хушарти” маҳаллаларида кўчат экиш ишларини ташкил этиш, маҳалла кўчатхоналарида кўчат парваришlash борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Ўрганиш жараёнида сектор раҳбарлари, “маҳалла еттичилиги” ҳамда мутасаддилар билан учрашув ўтказилиб, 2025 йилги баҳор мавсумида умуммиллий лойиҳа доирасида экиладиган кўчатларни ҳудуд рельефи, табиий иқлими ва тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда экиш, кўчалар ва хонадонларда кўчат экишни ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, масъуллар аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, хонадон эгалари билан суҳбат қилди.

“Яшил макон”га тайёргарлик ҳолати ўрганилди



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходимлари Навоий вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Дилмурод ОРЗУБОВ,
Мирзаобод тумани:

— Яқинда мени ҳарбий хизматга чақирди. Бироқ ҳозир хусусий университетда сиртқи таълимнинг 1-босқичида ўқияпман. Ўқилиш давлат олийгоҳига кўчириш учун тайёргарлик кўрапман. Шу боис ҳарбий хизматни вақтинчалик тўхтатиб турсам бўладими?

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ВАҚТИНЧАЛИК ТЎХТАТИБ ТУРСА БЎЛАДИМИ?

Ҳоким ЭРКАБОВ,
Мирзаобод тумани адлия бўлими
бошлиғи:

— “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига қўра, ҳарбий хизматга яроқли, бироқ Қуролли Кучлар сафига наватбадга муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик қақируви резерви сафига олинади. Шу боис сиз ҳам 18-27 ёш орасида ҳарбий хизматга яроқли Ўзбекистон фуқароси бўлганингиз учун сафарбарлик қақируви резервидаги ҳарбий хизматга (халқ тилида “бир ойлик армия”) қақириласиз.

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, қақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик қақируви резервидаги хизматга қақирилиш муддатини кечиктириш туман (шаҳар)

қақирув комиссиясининг қарори асосида уларнинг оилавий шароит ва саломатлигига қўра, ўқилиш давом эттириши учун амалга оширилади.

Эътибор берган бўлсангиз, ушбу қоидада ўқилиш давом эттириши учун муддатни кечиктириш мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, қонунда олий таълим муассасаларида кундузги ўқилишда тахсил олаётган талабаларни хизматга жалб этиш улар ўқилиш таълимлагунига қадар кечиктирилиши белгиланган.

Хулоса қиладиган бўлсак, сиз хусусий университет ёки давлат ОТМни таълимлагунигизча ҳарбий хизматни кечиктиришингиз мумкин. Бу ҳолатда хусусий университетда ўқилингиз ҳақидаги маълумотномани туман мудофаа бўлимига тақдим этишингиз керак.

МЕНДА САВОЛ БОР...



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ.



Инсон ҳаёти ва соғлиғига юқори ХАВФ СОЛУВЧИ омиллар реестрини юритиш тартиблари белгиланди.



Электр энергетикаси соҳасидаги фаолият турларини ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ белгиланди.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Ер солиғи тизимига янги ўзгаришлар киритилди

Президентнинг "Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида"ги фармониға кўра, 2025 йил 1 июлғача халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилиб, 2026 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилади.

Солиқ кўмитаси Аxbорот хизмати.

Унга кўра:

— халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари билан қишлоқ хўжалиғига мўлжалланган ер участкалари учун ер солиғи ставкаларига нисбатан оширувчи ва пасайтирувчи коэффициентлар қўллаш;

— ижараға берилган ер участкасининг норматив қиймати ва тупроқ бонитет бали ошганда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорини оширмаслик, яъни ижараға берилган пайтдаги норматив қийматға асосан солиқ ҳисоблаш;

— ижараға берилган ер участкасининг норматив қиймати ва тупроқ бонитет бали тушиб кетганда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорини мутаносиб равишда 3 қаррағача ошириш;

— Солиқ кўмитасининг аxbорот тизимига киритган ҳолда реализация қилинганлиги тасдиқланган махсулот ҳажми ер участкасининг норматив ҳосилдорлиғига мос бўлган тақдирда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғини белгиланган базавий ставкада ҳисоблаш;

— Солиқ кўмитасининг аxbорот тизимига киритган ҳолда реализация қилинганлиги тасдиқланган махсулот ҳажми ер участкасининг норматив ҳосилдорлиғига нисбатан кўп ёки кам бўлган тақдирда — юридик шахслардан олинадиган ер солиғига базавий ставкаға нисбатан мутаносиб равишда 3 қаррағача оширувчи коэффициентлар қўллаш.



2028 йил 1 январға қадар органик махсулотлар етиштириш учун Global G.A.P, "GMP", "FSCC", "HACCP", "Halal", "Organik" ва бошқа халқаро даражада тан олинадиган сертификатларни олган деҳқон, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиғи қорхоналарига ижараға берилган ер участкалари учун ер солиғи 50 фоиз миқдорда тўланади.

Солиқ кўмитаси 1 ой муддатда ўз аxbорот тизимларида ер участкасида етиштириладиган қишлоқ хўжалиғи махсулотлари турлари ва ҳажмлари, шунингдек, реализация қилинган махсулотлар ҳақидаги маълумотларни киритиб бориш учун техник имкониятини таъминлайди.

Ушбу тартиб Солиқ кодексига тегишли ўзгартришлар киритилганидан кейин амалиётға жорий этилади.



...афсуски, айрим тадбиркорларнинг шундай вазиятда устимиздан шикоят қилиш ҳолатлари кузатиляпти. Агар ҳар бир маҳаллага биттадан солиқ инспектори бириктирилса, ортиқча тушунмовчиликларға ўрин қолмасди.

СОЛИҚЧИ – КўМАҚЧИ

доға ихтисослашган. Бугунги кунда ҳудуддаги 109 та юридик шахс, 100 нафар якка тартибдаги тадбиркор ўзи ва оиласини, қолаверса, маҳалладошларини даромадли қиляпти. 443 нафар фуқаро тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, таксичилик каби турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромадға эға бўлди.

Бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бўлиб, уларда 30-40 миллион сўмғача маблаг бор. Мазкур маблағлар "маҳалла еттилиги" аъзоларининг коллегиал қарори асосида мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишға, йигин ҳудудини ободонлаштиришға, фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашға сарфланяпти. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчиларнинг мол-мулк ва ер солиғини вақтида тўлашға рағбат бўляпти. Албатта, гуруч курмаксиз бўлмаиди, деганларидек, солиқ тўловларини ўз вақтида амалға оширмаётганларнинг хонадонига бориб, тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Мазкур маҳаллаларда қўшимча солиқ тушумларини оширишнинг ягона йўли — тадбиркорликни ривожлантириш. Шу боис озиқ-овқат ва ишлаб чиқариш қорхоналарини ташкил этиш бўйича ўз тақлифларимизни бердик.

Яна бир масала шундаки, тадбиркорлар сони ошгани сари улар билан доимий мулоқотда бўлиб, ёрдам сўраганларига кўмаклашиш зарур. Бироқ вақт нуқтаи назаридан бир пайтнинг ўзида иккита маҳалладаги тадбиркорға ёрдам бериш имконияти йўқ. Афсуски, айрим тадбиркорларнинг шундай вазиятда устимиздан шикоят қилиш ҳолатлари кузатиляпти. Агар ҳар бир маҳаллага биттадан солиқ инспектори бириктирилса, ортиқча тушунмовчиликларға ўрин қолмасди. Қолаверса, ҳудуддаги ҳар бир солиқ тўловчи билан ишлашға янада қулай имконият яратилади.

НАМУНА

Иссиқхона имконияти миллионлар келтиряпти

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда томорқаларда ташкил қилинаётган иссиқхоналарнинг ўрни катта. Чунки кўпчилик ундан ишни тўғри ташкил қилиш орқали йилда бир неча бор ҳосил олиб, юқори даромадға эға бўляпти.



Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюмчаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Айни пайтда қиш, лекин Урганч туманидаги "Беруний" маҳалласига келсангиз, баҳор нафасини ҳис қиласиз. Сабаби, йиғиндаги 500 тадан ортиқ аҳоли томорқаларидаги иссиқхоналарда "бир маҳалла — бир махсулот" тамойили асосида турли хил кўкат, полиз ва сабзавотлар етиштириляпти. Мадрахим Матчонов томорқасидаги 15 сотих майдонда мўъжазгина иссиқхона ташкил қилган.

— Иссиқхонамизда помидор, бодринг ва кўкат етиштириб, бир йилда уч марта ҳосил оламиз, — дейди меҳнат фахрийси Мадрахим Матчонов. — Маслаҳат сўраганларға билим ва тажрибаларимизни бўлишамиз. Кўпчилик биздан намуна олиб, ўз ишини бошлаган ва яхши даромад топишяпти. Ерга меҳр берсангиз, ер сизни боқади. Фақат ҳалол меҳнат қилиш керак. Яхши даромад топанман, деган инсон бир ёки икки сотих ердан иш бошласа бўлади. Ҳозир 250 квадрат майдонда иш бошлаганман. Бугунги кунда 15 сотихлик иссиқхонам бор. Йилға 150 млн. сўм соф даромад олялман.

Мадрахим отанинг иш тажрибаси нафақат ўз маҳалласида, балки вилоятнинг бошқа ҳудудларида оммалаштириляпти. У кишининг 6 нафар фарзанди ўз уйларида иссиқхона ташкил қилган. Улардан бири — Хурсанд Матчонов 500 квадрат метрлик томорқасида иссиқхона куриб, помидор, бодринг, бақлажон, булғор ва аччиқ қалампир кўчатлари етиштиряпти. Қўлбола устунлар ердан унумли фойдаланиш ва кўчатларнинг юқоридаги нисбатан иссик ҳавода ривожланишиға ёрдам беради. Бу ерда маҳалла хотин-қизлари иш билан банд.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Бир маҳалла — бир махсулот" тамойили асосида маҳаллаларни ихтисослаштириш йўлга қўйилган. Ихтисослашув фақат бир махсулот ишлаб чиқарилишини аңлатмайди. Асосий мақсад — маҳалла "драйвери" ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда, яхши натижаға эришган фуқароларнинг тажрибаларини ўз кўчаси ва йиғинида оммалаштиришдир.

Ҳуллас, ушбу маҳаллага келсангиз, иссиқхоналарнинг турфа хилларини учратасиз. Барча ўз иши ва даромадиға эға. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича қилинаётган ишларға мазкур ҳудуд бир мисол. Кувонарлиси, бу маҳаллада камбағал оилалар деярли йўқ.

Бир вақтда икки ҳудудға улгуриш оғир бўляпти

Бугун "маҳаллабай" ишлаш тизими ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Айниқса, солиқ ходимларининг "еттилик" таркибига киритилиши барча учун фойдали бўлди. Аввалгидек, фақат жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини ундириш эмас, балки ҳар бир солиқ тўловчи билан манзилли ишляяпмиз. Натижада солиқ соҳасига оид барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.

Шерали ДУСЧАНОВ, Тупроққалъа туманидаги "Мухаббат" ва "Ёшлик" маҳаллалари солиқ инспектори.

Энг муҳими, pista сотувчидан тортиб, йирик ташкилотлар фаолиятида яширин иқтисоди-

ётнинг қисқартирилишиға эришиляпти. Биргина менга бириктирилган маҳаллаларда хонадонида ёки кичик дўконларда, норасмий савдо-сотик ишлари билан шуғулланаётган фуқароларға тадбиркорлар учун берилаётган имтиёз ва имкониятларни тушунтирганимдан сўнг 45 нафари расмий рўйхатдан ўтиб, қонуний иш бошлади. 41 та қорхонада норасмий

ишляётган 36 нафар фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, 78,8 млн. сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 13 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди. Натижада ўтган йил давомида тадбиркорлар сони 45 таға ортиб, солиқ тушумлари 2023 йилға нисбатан 40 фоизға кўпайди.

Ҳар икки маҳалла туман марказида жойлашгани учун тадбиркорлик ривожланган. Масалан, "Мухаббат" йиғинида маҳаллий автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган машиналар учун эҳтиёт қисмлар тайёрловчи ҳамда тўқимачилик қорхоналари фаолият юритяпти. "Ёшлик" маҳалласи эса чакана сав-

СўРАГАН ЭДИНГИЗ...

Боғча тўлови солиқдан озод этиладими?

Нозима АБРАХАМТОВА, Сурхондарё вилояти:

— Агар хусусий боғчага тўловни ота-онадан бошқа қариндошлар тўлаган бўлса, солиқдан озод қилинадими? Бу имтиёз қандай қўлланилади?



Санжар ХАЙРИДДИНОВ, Солиқ кўмитаси бош инспектори:

— Имтиёз фақат боланинг ота-онасига берилади. Шунингдек, улар расмий иш билан банд бўлиши керак. Хусусий боғча ёки мактаб учун ҳар бир болага тўланган ойига 3 миллион сўм доирасидаги харажатлар солиқ солишдан озод қилинади. Бунинг учун ҳар бир ота-она иш жойи бўйича бухгалтерияға маблағларни нодавлат мактабғача ёки мактаб таълими ташкилотига ўтказиш ҳақида ариза ва тўлов учун ҳисоб (шартнома) тақдим этиши лозим.

Бундан ташқари, ота-оналар хусусий болалар боғчалари ва мактабларға тўлов учун даромад солиғини қайтариб олиши мумкин. Шунингдек, солиқ хизматиға my3.soliq.uz сайти ёки "Soliq" мобил иловаси орқали йил якунлари бўйича даромадлар тўғрисида декларацияға шартнома ва тўлов қоғозини бириктириб тақдим этиш мумкин. Декларация юборилгандан сўнг тўланган солиқ суммасини қайтариш учун ариза топшириш лозим.



Олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмаси МАХСУС ПЛАТФОРМА орқали шакллантирилади.



Паррандачилик махсулотлари ишлаб чиқарувчилар 2030 йилгача экин майдонларидан ташқари ЕР СОЛИҒИДАН озод этилади.



Ўзбекистонда 2025 йилдан ҳар бир туман ва шаҳарда ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ талабларига жавоб берадиган мактаблар ташкил этилади.



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча туман ва шаҳарларда кенг қўламли ишлар олиб бориляпти

“ҚИЗИЛ” ТОИФАДАГИ ХУДУДЛАРДА БАРҚАРОР ВАЗИЯТ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи мазкур қарор мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.

Дастлаб Нурота туманидаги криминоген вазияти оғир ҳисобланган “Шахристон” маҳалласида туман сектор раҳбарлари, мутасадди ташкилот вакиллари ҳамда “маҳалла еттилиги” иштирокида суҳбат ташкил этилиб, зарур топшириқлар берилди. Шунингдек, туманда жинойатчиликни жиловлash ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар ва “еттилик” фаолияти бўйича режалаштирилган ишлар тақдими бўлиб ўтди. Унга кўра, туманда мавжуд 6 та “қизил” тоифадаги маҳалланинг барчаси прокуратура, ички ишлар органлари, Миллий гвардия ҳамда сектор раҳбарларига номма-ном бириктирилган бўлиб, ҳар бири юзасидан “Йўл хариталари” тасдиқланган. Шу билан бирга, жорий йилнинг биринчи чорагида туманда 2 та “Намунали хавфсиз кўча” ҳамда 8 та “Намунали хавфсиз йўлак”ни жорий этиш, аҳоли гавжум жойларда 65 та кузатув ва 30 та юз қиёфасини ва давлат рақамларини аниқлаш имкониятига эга камералар ўрнатиш, 12 та хонадон ва 15 та савдо шохобчасини Миллий гвардия кўрикловига олиш ҳамда тумандаги 15 та кўча бўйлаб ёритиш тизими ўрнатилиши режалаштирилган.

Кайд этилишича, криминоген вазияти оғир бўлган Навбахор туманидаги “Қоровултепа” маҳалласини жинойатдан холи ҳудудга айлантириш бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида 11 та интеллектуал видеокузатув камера ўрнатилиб, 15 та хонадон ва 12 та савдо шохобчаси

Миллий гвардия кўрикловига олинади. Шунингдек, 20 та кўчага тунги ёритиш чироқлари қўйилади.

Мазкур туманда “Тартибли меҳнат миграцияси намунасини яратиш” лойиҳаси йўлга қўйилиб, Миллий гвардия Кўриқлаш бошқармаси туман ҳудудини тўлиқ рақамлаштиради.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари Хатирчи, Қизилтепа туманларида давом этди. Хатирчи туманининг криминоген вазияти оғир “Дамариқ” маҳалласида туман ИИБ бошлигининг маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асослари акс этган, шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар тўғрисидаги тақдироти билан танишилди. Унга кўра, туманда кўп қаватли уйларга кириш йўлақларида 2 дона “ташвиш тугма”лари, эшикларига 4 дона “домофон” комплекслари ўрнатилади. 235 та кўп қаватли ва якка тартибдаги хонадон, 20 та савдо ва маиший хизмат курсатиш объекти техник кўриққа олинади. Маҳаллаларнинг кириш ва чиқиш жойларида 20 дона юзни таниб олувчи камера ўрнатилади ҳамда 45 та “Намунавий хавфсиз кўча”, 110 та “Намунавий хавфсиз йўлақлар” ташкил этилади.

Шу ернинг ўзида “қизил” тоифадаги “Навбахор”, “Дамариқ”, “Фаровон” маҳаллалари “еттилик” аъзолари, туман сектори ва масъул

ташкилотлар раҳбарлари иштирокида қарор ижросини таъминлаш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини ижрочиларга етказиш мақсадида йиғилиш ташкил этилди.

Ишчи гуруҳнинг Қизилтепа туманидаги ўрганишлари “Сўфиён” маҳалласида давом этди. Бу ерда туман ИИБ бошлиғи ҳамда мазкур маҳалла профилактика инспекторининг тақдироти тингланиб, маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирларнинг намунавий “Йўл харитаси” билан танишилди. Тумандаги “қизил” тоифадаги маҳаллаларнинг криминоген вазиятини барқарорлаштириш мақсадида профилактика инспекторларига маҳаллий бюджет ҳисобидан компьютер жамланмалари топширилди.

“Маҳалла етилиги” ва туман масъуллари билан ўтказилган учрашувларда қарор талабларидан келиб чиқиб, маҳалла, туман, вилоят масъулларига аниқ топшириқлар белгилаб берилгани, устувор вазифаларни ўз вақтида сифатли бажарган масъуллар рағбатлантирилиши, аксинча, қарор ижросини таъминлашда масъулиятсизлик қилган мутасаддилар жазоланиши таъкидлаб ўтилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб, криминоген вазият оғир маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича манзилли ўрганишлар олиб бормоқда.

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

“ХЎЖАМУШКЕНТ” ДА ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИЛАДИ



“Хўжамушкент” маҳалласи Янгиобод тумани марказидан 14 километр олисда, Тожикистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бу эса биздан янада хушёрликни талаб этади. Шу боис ҳудуднинг кириш-чиқиш жойларига махсус хона ташкил этиб, “маҳалла етилиги” ва жамоатчилик вакилларида иборат тунги навбатчилик гуруҳини тузганмиз.

Зариф АҲМАДОВ, Янгиобод туманидаги “Хўжамушкент” маҳалласи профилактика инспектори.

Йиғинда икки ярим мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти чорвачилик ва “Хўжамушкент” ўрмон хўжалигида мавсумий писта териш ишлари билан шуғулланади. Худудда “Хўжамушкент” зиёратгоҳи бўлгани учун ички туризм ривожланаяпти. Зиёратчилар учун шу ерлик аёллар курт, патир тайёрлаб сотишади. Айримлари асалари боқаяпти.

Маҳалла ҳудуди катта бўлгани учун одамларнинг уйлари тарқоқ қурилган. Яқинда 5 километр нарида жойлашган Мўғол қишлоғи йиғин таркибига қўшилди. У ерда 450 та хонадон бўлиб, улар чорвачилик ортидан рўзгор тебратишади. Мўғоллик икки фуқаронинг мол боқиш жараёнида ўзаро жанжали сабаб “яшил” тоифадан “қизил”га тушиб қолдик. Шундан сўнг навбат ва яйлов талашининг олдини олиш мақсадида аҳолининг чорва молларини маълум тўлов эвазига боқиш учун уч нафар фуқарони жалб этдик ва расмий бандлигини таъминладик.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, тарғибот тадбирларини ўтказяпмиз. Турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огоҳлантириб, жинойатнинг салбий оқибатларини тушунтириб борапмиз. Бу жараёнда хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Низоли масалалар жойига чиқиб ўрганилиб, “маҳалла етилиги” ва фаоллар муҳокамасида ҳал этиляпти.



Иккита умумтаълим мактаби кутубхонаси туну кун китобхоналар хизматига. Ўқувчилар учун турли фан тўғараклари ташкил этилган. Маҳаллада спортсевар ёшлар кўп. Айниқса, қўл жанги бўйича вилоят ва республика чемпионлари бор.

Бироқ спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароит йўқлиги сабаб, улар туман марказига қатнашга мажбур бўляпти. Шу боис аҳоли билан маслаҳатлашиб, “Ташаббусли бюджет”га спорт майдони қуриш ташаббусини киритдик. Насиб бўлса, хўжамушкентлик ёшлар учун усти ёпиқ спорт мажмуаси қурилади.

Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олган ҳолда кўчаларга чироқлар ўрнатиляпти. Чегара ҳудудда жойлашганимиз учун видеокузатув қурилмалари жуда зарур. Шу боис 31 та, шундан 15 таси инсонларни юзидан, авто-транспортларни давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқлайдиган замонавий видеокузатув қурилмаларини ўрнатиш тақлифини бердик. Айтишларича, улар яқин орада 18 километрлик чегара ҳудудларга, маҳалла ҳудудига кириб-чиқиш ҳамда аҳоли гавжум жойларга қўйилади. Натижада бутун ҳудудни бир манзилда кузатиб, қўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади.

Қолаверса, Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун “Йўл харитаси” ишлаб чиқдик. Эндilikда аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаоллари кенг жалб этилади. Энг муҳими, содир этиладиган қонунбузарликларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш орқали жинойатчиликнинг барвақт олди олинади, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратилади.

ЁШЛАР СИЁСАТИ

“ШИЖОАТ ВА ҒАЙРАТ” ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 14 февраль кунги Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан мулоқот қилди.

Учрашувда қайд этилишича, эндilikда ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш бўйича 10-11-синф ўқувчилари ўртасида бошланган “Ватан таянчи” ҳаракати касб-хунар мактаби, техникум ва хусусий таълим ташкилотларида йўлга қўйилади. “Ватан таянчи” отрядлари ўртасида “мактаб – туман – вилоят – республика” даражасида спорт мусобақалари ва ижодий танловлар ташкил этилади. Шу каби ҳар бир маҳаллада ёшлар ўртасида “маҳалла – сектор – туман – вилоят – республика” даражасида “Шижоат ва ғайрат” спорт ўйинлари ўтказилади. Ҳолиб маҳаллаларга спорт иншооти қуриб берилади, зарур анжомлар билан таъминланади.


“Ватан таянчи” ҳамда “Шижоат ва ғайрат” мусобақалари ғолибларига ҳарбий олийгоҳларга кириши учун тавсия берилади.

Оилавий зўравонликка қандай жазо бор?

Фароғат ОЧИЛОВА, Андижон вилояти:

— Кейинги пайтларда оилавий зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида тез-тез эшитяпмиз. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликнинг аломатлари қандай ҳатти-ҳаракатлар орқали кўзга ташланади?

Оилавий зўравонлик қандай жавобгарликка олиб келади?



Фуркат СОБИРОВ, Андижон вилояти судининг жинойат ишлари бўйича судьяси:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 592-моддаси биринчи қисмида хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўқтинлик қилиш, мол-мулкка қасдан шикаст етказиш, шунингдек, ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, шахсни ёппослаш, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказиш ҳолатлари аниқланса, ҳуқуқбузар БХМнинг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима тўлайди ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олинади.

Юқоридаги шахслар маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг бир йил давомида такрорланган ҳолатларда жинойий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин.



Ўзбекистонда
1 та китоб ўқиган
махжумнинг
ЖАЗО МУДДАТИ
3 кунга қисқартирилиши
мумкин.



Самарқанд
ва Туркиянинг
Конья шаҳрига
“БИРОДАР ШАҲАРЛАР”
мақоми берилди.



Энди техноген
ҳодисалар оқибатида
зарар кўрган оилаларга
УЙ-ЖОЙИНИ ТИКЛАШ
учун ёрдам кўрсатилади.

МУНОСАБАТ

Инсон кадр топган жойда орзу-истаклар ҳам қанот қоқади



Маҳалламизда 3 минг 105 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ногиронлиги бўлган шахслар 45 нафарни ташкил этмоқда. Иш жараёнида ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар билан доимий учрашиб, уларни тинглашга, муаммоларини ҳал қилишга, яшашга бўлган иштиёқларини оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Моҳигул АШУРОВА,
Ромитан туманидаги
Алишер Навоий номидаги
маҳалла ижтимоий ходими.

Давлатимиз раҳбари яқинда имзолаган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун фаолиятим самарадорлигини оширишга анча ёрдам берадиган бўлди. Аҳамиятлиси, мазкур қонун

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги умумэтироф этилган ҳалқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Қолаверса, қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий муҳофазасини янада яхшилашга қаратилган. Унга киритилган ўзгартиришлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга таълим, ишга жойлашиш, тиббий хизмат ва жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратишга

Эндиликда ногиронлиги бўлган шахслар учун Брайль алифбосидан, тактил мулоқотдан, йирик шрифтдан, қулай мультимедиа воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

йўналтирилгани билан муҳим қадам бўлди.

Маҳалламизда айланиб, қонунга инсон қадрини учун киритилган ушбу ўзгаришлар ҳақида тушунтиришлар олиб боряпман. Жумладан, эндиликда ногиронлиги бўлган шахслар учун Брайль алифбосидан, тактил мулоқотдан, йирик шрифтдан, қулай мультимедиа воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Қолаверса, босма материаллар, аудиовоситалар, қулай ахборот-коммуникация технологиялари билим олиш учун кенг йўл очмоқда.

Шунингдек, Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектларига монеликсиз кириши учун шарт-шароитлар яратиши ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини оқилона мослаштириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириши шарт қилиб қўйилди. Давлат ногиронлиги бўлган шахслар учун бошқалар билан тенг равишда одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган бўлди. Қолаверса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши, шу жумладан қонунда белгиланган тартибда сайлаш ва сайланиш, референдумларда қатнашиш ҳуқуқи таъминланиши белгиланди.

Ўзини ўзи қадрлайдиган ҳар қандай жамиятга бу йўналишдаги қонунларга эҳтиёж бор. Кузатувларим асосида айтишим мумкин, ногирон шахслар фақат қийналганлар, муаммолар гирдобиди инсонлар эмас, уларнинг ҳам орзулари ва мақсадлари бор. Бу қонун ногирон шахсларга хурмат ва эҳтиром кўрсатишнинг, уларга ҳақиқий кадр-қиммат беришнинг белгисидек кўринди менга.

ТАҚДИРЛАР

Болалар ўзгариши меҳрини оғушидан



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидаги 88-сонли мактаб-интернатида бундан 4 ой аввал “Ғамхўрлик гуруҳи” фаолияти йўлга қўйилган эди.

Диёрбек АБДУЛЛАЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги Фарғона вилояти
бошқармаси бош мутахассиси.

Бағдодлик Муқаддасхон Янгибоева бу янгиликдан чексиз қувонди. Фарзанди Жасурбекни шу гуруҳга бергач, ишлаб даромад топиш, соғлом фарзандлари таълим-тарбиясига ҳам вақт ажратиш, рўзгор юмушларини бекаму-кўст бажариш ва энг муҳими, ижтимоий ҳордиқ олиш имконига эга бўлди.

Қисқа вақтда Жасурбекда катта ўзгаришлар кузатилди. Унинг умумий моторикаси анча ривожланди, жамоага қўшилди, мослаштирилган муҳитда бола-

лар билан меҳр оғушида парвариланмоқда.

Гуруҳдаги бошқа болаларда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. Жумладан, талаффузлари бойиди, қўл моторикаси ривожланиб, оғзаки нутқда сўз бойлиги кўпайди. Ҳозир улар уй ва ёввойи ҳайвонлар номини ҳамда мева-сабзавотларни фаол талаффуз қилишмоқда. Оғизни ёпиш-очиш, чайнаш рефлекслари пайдо бўлди. Энг муҳими, жамоага кўникиш ҳосил қилишди.

Болаларда юз бераётган бундай ижобий ўзгаришлар жамоатчиликни бефарқ қолдирмапти. Натижада муассасада иккинчи “Ғамхўрлик гуруҳи” ташкил қилинди ва саломатлигида оғир нуқсонли бўлган жами 14 нафар бола қамраб олинди.

ЯНГИЛИК

Ҳомиладор ходимни ишдан бўшатманг!



Президент 2025 йил 13 февраль куни имзолаган тегишли қонун билан Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга кўра, Меҳнат кодекси “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат мажмуида электрон шаклдаги меҳнат шартномасини расмийлаштириш тартибини жорий этиш, иш ҳақи сақланмайдиган таътил давомийлигини белгилаш тартиби ва ходимнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартибини ўзгартиришни назарда tutувчи қўшимчалар билан тўлдирилди.

Шунингдек “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ходимлар кечки ёки сиртки таълим шаклида ўқиши мумкин бўлган таълим ташкилотларининг турларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди. Бундан ташқари, ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги сабабли ходимни ишдан бўшатишга тақиқ жорий этилди.

Киритилаётган ўзгартиришларга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ишга қираётган шахснинг паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига, меҳнат дафтарчасига оид маълумотларни мустақил равишда, шу жумладан, ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сураб олади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.



АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Жамиятнинг рагнақ топиши ҳар жиҳатдан аҳолининг фаоллиги, ташаббускорлиги ва ҳаракатларига боғлиқ. Шу маънода бугун одамлар кўпроқ ўз устида ишлашга, иқтидорини тўла намоён этишга тарғиб қилинмоқда. Айниқса, кундан-кунга тадбиркорлар сафининг кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолат.

Юлдуз ФОЗИЛОВА,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди
судьяси.

Сўнги йилларда айнан тадбиркорлар ташаббуси эвазига иқтисодиётимиз юксалиш сари юз тутди. Жумладан, тадбиркорлар юритадиган корхоналарнинг банклардаги маблағлари 107 триллион сўмга, аҳоли омонатлари 105 триллион сўмга етди.

Албатта, бу натижаларда аёл тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта. Бугунги кунда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг қарийб 42 мингтага хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, тижорат соҳасида фаолият олиб бораётган 243 мингга яқин яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 140 мингга (42 фоиз)дан ошми хотин-қизлардан иборат. Келинг, шу ўринда қонунчилигимизда аёлларга қандай имтиёз ва енгилликлар яратиб берилаётганига бироз тўхталиб ўтсак.

Аёлларни пенсия ёшига тўлгани сабабли иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатиш тақиқланади.

Аёлларнинг ташаббусларини муносиб рағбатлантириш мақсадида Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсади жамғармаси ҳисобидан имтиёзли давр билан йиллик 33 миллион сўмгача кредитлар берилмоқда. Хотин-қизларнинг касб ўрганиш харажатларини давлат тўлаб бераётгани уларни янада илҳомлантиради. Хотин-қизлар нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқиғанда қилган харажатларнинг

70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган қисмини давлат қоплаб беради. Ҳукумат қарори билан қол-леж ёки техникум дипломидаги мутахассислиги бўйича 5 йил иш стажига эга хотин-қизлар контракт асосида олий таълим муассасасига қабул қилинади. Тавсияномага эга абитуриентлар алоҳида тест топширади. Улар орасидан юқори балл тўплаган 500 нафари талаба бўлиш бахтига эришади.

Аёллар ташаббусини муносиб рағбатлантириш мақсадида 33 миллион сўмгача кредитлар берилмоқда.

Қонунчилигимизга кўра, олий ҳамда ўрта махсус ва профессионал таълимда тахсил олувчи хотин-қизларга 7 йилга 14 фоизли таълим кредитлари ажратилади. Фоиз ставкаларини Молия вазирлигининг жамғармаси қоплаб беради. Хотин-қизлар асосий қарзни ўқини тамомлагач, 7 йил давомиди тўлайди.

Аёлларни пенсия ёшига тўлгани сабабли иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатиш тақиқланади. Шунингдек, ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келгани сабабли номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунча қадар ёки муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугагунча иш берувчининг ташаббусига билан бекор қилиш мумкин эмас.

Хулоса сифатида айтиш керакки, бу каби имтиёзлар орқали нафақат тадбиркор аёлларни, балки барча хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, таълим олиши, муносиб иш ва даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш кўзда тутилган.

Фигурали учувчилар Дмитрий Чигирев ва Екатерина Гейниш Ўзбекистонга 26 йилдан сўнг қишки Осиё ўйинлари ОЛТИН МЕДАЛИНИ тақдим этди.



Халқаро гроссмейстер ГУЛРУХБЕГИМ ТОХИРЖОНОВА АҚШдан Ўзбекистон терма жамоасига қайтди.



Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси футбол бўйича ОСИЁ ЧЕМПИОНИ бўлди.

8

№12 | 2025 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

Mahalla

БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

БАДАНТАРБИЯ



Велосипедда сайр қилишнинг инсон соғлиғига фойдаси бисёр. Бу машғулот нафақат қадди-қоматнинг тўғри шаклланиши, балки тананинг умумий саломатлиғига ҳам яхши таъсир кўрсатади.

ВЕЛОСИПЕДДА САЙР ҚИЛИШНИНГ 8 ФОЙДАСИ

Куйида велосипедда ҳаракатланишнинг ижобий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бу машғулот юрак-қон томир тизими фаолиятини яхшилашга ёрдам беради. Хусусан, юрак ўриши ва қон босимини меъ-ёраштириб, оғир юрак хасталиклари хавфини сезиларли даражада камайтиради.

Велосипед учиш бўғим ва мушакларни мустаҳкамлайди. Боиси бу пайтда танадаги барча мушаклар фаол ҳаракатланиб, тонусда бўлади. Натижада умумий жисмоний куч ва чидамлик ортади.

Педални айлантириш метаболизмни тезлаштириб, иштаҳани очади. Мазкур ҳолат организмда моддалар алмашинуви яхшиланини билдиради. Шунингдек, метаболизмнинг тезлашиши таомнинг тез ҳазм бўлиши ва танада ёғ тўпланмаслигига олиб келади. Бу ўз навбатида, ортқича вазнини йўқотишга замин яратади.

Варикозга мойиллиги бор одамлар учун педаллар жуда фойдали. Ушбу машғулот пайтида қон турғунликсиз томирлар орқали фаол айлана бошлайди. Натижада варикознинг олди олинади.

Велосипед учиш суяклар мустаҳкамлигини оширади, артрит каби касалликларга чалиниш хавфи сезиларли даражада камаяди.

Ушбу жисмоний фаоллик уйқу сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Унинг ёрдамида осон уйқуга кетиш яхши дам олиш мумкин. Шунингдек, доимий педал айлантириш организмда эндорфин гормонларини ишлаб чиқаришга кўмаклашади. Бу эса кайфиятни кўтариб, стресс, тушунлик ва хавотирни камайтиришга ёрдам беради.

Бўш вақтини мунтазам равишда велосипедда ўтказадиган инсонлар тананинг инфекцияларга қарши курашиш қобилиятини сезиларли даражада оширади. Бу билан велосипедчилар мавсумий вирусли касалликлардан камроқ азоб чекишади.

Велосаёҳат қилишни қанда қилмайдиганларда қон айланиши яхшиланиб, терининг ҳолати ижобий томонга ўзгаради. Сабаби, тоза ҳавода жисмоний ҳаракат сабаб қон айланиши, ҳужайраларнинг кислород ва бошқа озиқ моддалар билан таъминланиши яхшиланади. Бунда токсинлар камайиб, коллаген микдори кўпаяди ва теридаги эрта қаришнинг олди олинади. Натижада, тери тиник ва соғлом кўринади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар кўни велосипедда сайр қилишни одатга айлантириш орқали соғлом ва фаол ҳаёт тарзига эришиш мумкин.



БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

КАЛЬЦИЙ ЕТИШМАСЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ БОРМИ?

Инсон саломатлиги учун организмда витамин ва минерал моддалар етарли миқдорда бўлиши зарур. Акс ҳолда танада салбий ўзгаришлар кузатилиб, жиддий асоратлар келиб чиқиши мумкин.



Умида РУСТАМОВА, тиббиёт фанлари доктори.

Кальций ана шундай муҳим элементлардан бири. У нерв томирларида импульс ўтказувчанлигини, мушаклар қисқаришини бошқаришда иштираётган эстади ва қон ивиш тизимининг асосий компоненти ҳисобланади. Ушбу модданинг камлиги билан танада бошқа метаболик жараёнлар издан чиқади. Суяклар, тишлар, соч ва тирноқлар ҳолатига салбий таъсир этади. Юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланиб, иммунитет заифлашади. Шунингдек, асабийлик ва фикр тарқоқлиги, кўп терлаш, танада тез-тез титроқ, тез чарчаш, мушаклар тортишиши, қабзият, тирноқларда оқ доғлар пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, юрак уришининг бўзилиши, тез-тез ва кучли бош айланиши, мушак, бўғим ва суякларда оғриқлар кузатилади. Қолаверса, болаларда ўсишнинг секинлашуви ҳам айнан кальций етишмовчилиги билан боғлиқ. Айниқса, бу ҳолат ҳомиладорлик асоратлари хавфини оширади. Шу сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бўлғуси оналарга ушбу элементни қўшимча равишда қабул қилишни тавсия этади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ



Овқатланиш тартибини тўғри ташкил этишга жиддий эътибор бериш орқали қарилик ва у билан боғлиқ нўжув оқибатларни, масалан, ажин тушишини анча кечиктириш мумкин.

ЁШ ВА СОҒЛОМ БЎЛАЙ, ДЕСАНГИЗ...

Бунда нафақат маҳсулотлар танлови, балки уларни қандай тановул қилишни билиш муҳим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

Шу ўринда қаришни секинлаштириш учун овқатланишнинг асосий қоидаларини келтириб ўтамиз.

1. Табиий ва «ҳақиқий» махсулотларни танланг. Аввало, ишлаб чиқариш жараёнида витамин ва озуқа моддаларининг кўп қисми олиб ташланган, аммо токсинлар ва яшарин шаклар билан тўлдирилган қайта ишланган махсулотлардан сақланган. Ярим тайёр егуликлар ўрнига қорамол, балиқ, парранда гўшти, сабзавот, мева ва ёнғоқлар истеъмол қилган маъқул.

2. Таомни камроқ, аммо секин ейиш керак. Калорияларни чеклаш ҳаётни узайтириши илмий жиҳатдан исботланган. Секин овқатланиш озуқа моддаларининг яхшироқ сўрилишига ва яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, иммунитетни ҳимоя қилиш учун жуда муҳим бўлган ичак флораси мувозанатини ҳам таъминлайди.

3. Мева ва сабзавотлар соғлом овқатланишнинг асосидир. Улар танамизга қаришнинг баъзи таъсирига қарши курашадиган пребиотик ва антиоксидантларни етказиб беради. Гарчи кўпчилик мева-сабзавотларнинг афзалликлари ҳақида яхши билса-да, одатда, дастурхонимизда бундай неъматлар етарли бўлмайди. Уларнинг ўрнига кўпроқ қайта ишланган махсулотлар туради.

4. Рационингизда қўқат ва зирavorлар ҳам бўлсин. Хушбўй зирavorлар антиоксидант, овқат ҳазм қилиш, дезинфекциялаш, гликемия ҳамда яллиғланишга қарши курашиш ва бошқа фойдали хусусиятларга эга. Айниқса, зарчава (куркума), долчин, райхон, занжабил, саримсоқ, бибария

(розмарин), кашнич, кардамон, зира ва хантал фойдали. Улар нафақат таомномангизни хилма-хил қилади, балки ёшлиқни сақлашга ёрдам беради.

5. Қорамол, балиқ ва парранда гўштини меъёрида, лекин сифатлисини тановул қилинг. Мустаҳкам саломатлик ва тетиклик учун ҳар килограмм вазнга атиги 0,8-1 грамм хайвон оқсилли керак. Умуман олганда, бу кунига бир марта қорамол, балиқ ёки парранда гўшти ейиш дегани. Асосийси, таркибида гормонлар ва антибиотиклар бўлмаган сифатли махсулотларни топа олиш. Қаришга қарши парҳезнинг асосий улушини ўсимлик махсулотлари (сабзавотлар, донлар, ёнғоқлар) ташкил қилиши муҳим, уларда ҳам оқсил мавжуд.

Ёш кўриниш ва ўзингизни анча бақувват ҳис қилиш учун нафақат таомномангизни мувозанатлашингиз, балки уйқу режимини тартибга келтиришингиз, шунингдек, мунтазам жисмоний фаоллиқни одат қилишингиз зарур. Акс ҳолда, ҳеч қандай «ёшартурувчи олма» иш бермайди.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Зухриддин ФАРҲОДОВ. Жиззах вилояти: — Вафот этган инсоннинг тишлари тилладан бўлса, дафдан олдин уларни чиқариб олиш жоизми?

МАЙЙИТНИНГ ТИЛЛА ТИШЛАРИ ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Агар вафот топган инсоннинг тишлари тилла ва шунга ўхшаш қимматбаҳо нарсадан ясалган бўлиб, протез шаклида бўлса ва уларни олиб қўйишда маййитга озор етмайдиган бўлса, зое ва исроф бўлмаслиги учун протез тишларни олиб қўйиш лозимдир. Чунки Аллоҳ таоло мол-дунёни исроф ва зое қилишдан қайтарган. Аммо маййитнинг тишлари мустаҳкам ўрнатилган бўлса, улар олинмайди. Чунки бу ишда маййитга озор беришлик бор.

Оиша онамиздан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: *Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтидилар: «Улган инсоннинг сувғини синдириш ҳудди ҳаёт (тирик) инсонни сувғини синдириш кабиدير»*. Ушбу ҳадисда уламолар изоҳ бериб, гуноҳкорликда ҳар иккиси бир ҳужмдадир, деганлар.

Динимиз ҳукмларига кўра, ўлган инсоннинг ҳурмати тирик инсоннинг ҳурмати билан бир хилдир. Ханафий мазҳабининг фикрий мўтабар манбаларидан бири "Раддул мухтор" китобида шундай дейилади: *«Одамзот шаръан муқаррамдир. Гарчи у ғайридин бўлса ҳам. Унинг устида битим тузиш, уни ҳурматсиз қилиш, унга нисбатан жонсиз нарсаларнинг муомаласини қилиш — уни таҳқирлаш ҳисобланади. Бу иш жоиз эмас. Унинг бир қисми ҳам ўзининг ҳукмидадир»*.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 645 нускада чоп этилди. Буюртма №: Г-220

